

Банкларнинг харажатлари ва уларнинг хисобини такомиллаштириш

БХА-1 гуруҳ талабаси Эргашева Комила

Диссертациянинг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий–тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади – иқтисодиётни модернизациялаш шароитининг шартларида тижорат банкларида молиявий харажатлар хисоби ва таҳлилини такомиллаштиришга қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

– банк молиявий натижаларининг иқтисодий моҳиятини қиёсий ўрганиш ва уни ҳисоблаш амалиётини таҳлил қилиш асосида назарий хулосаларни шакллантириш;

– тижорат банклари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, уларнинг банк бухгалтерия хисоби ва таҳлили услубиятига таъсирини тадқиқ қилиш;

– тижорат банклари молиявий натижаларини шакллантириш тенденцияларини аниқлаш ва хулосалар бериш;

– банк амалиётида даромадлар ва харажатларни тан олиш тамойиллари юзасидан илмий тақлифлар бериш;

– банк фойдаси ва зарари таркибини таҳлил қилиш ва моҳиятини очиқ бериш;

– банкларда молиявий натижаларни таҳлил қилиш усулларини қўллаш бўйича илмий тақлифлар бериш;

– тижорат банкларида молиявий натижаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларда мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уларни такомиллаштиришга қаратилган амалий тавсиялар бериш;

– тижорат банкларида фойда ва рентабелликка таъсир кўрсатувчи омиллар тизимини аниқлаш бўйича илмий тақлифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти – Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари молия фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети – тижорат банкларида молиявий натижалар

ҳисоби ва таҳлилини ташкил қилиш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

Тадқиқот методлари. Диссертацияда гуруҳлаштириш, таққослаш, тизимли ёндашув, коэффициентларни ҳисоблаш, омилли таҳлил усуллари қўлланилди.

Тадқиқот гипотезаси: тижорат банклари молиявий натижалар ҳисоби ва таҳлилининг назарий–услубий асосларияхлит тадқиқ қилиниши натижасида берилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар тижорат банклари молиявий натижалари бухгалтерия ҳисобига янада ойдинлик киритади. Бу эса банк фойдасига таъсир этувчи омилларни комплекс тадқиқ қилишга, келгусида банк фойдасини оширишга хизмат қилиши мумкин.